

## Жума куни кўпроқ салават айтиш



04:00 / 25.04.2025 19152

Авс ибн Авс розияллоху анхудан ривоят қилинади:

نَعُ ، هُنَعُ هَلْ لَ اِي ضَرِّ سَوْا نُبِ سَوْا نَعُ  
: لاق ملسو هيلع هلل اىل صي ب ن ل ا  
، عُمُ ج ل ا م وَيْ م ك م ا ي ا ل ض ف ا ن م ن ا  
ه ي ف و ا ض ب ق ه ي ف و ا م د ا ق ل خ ه ي ف  
ا و ر ث ك ا ف ا ع ق ع ص ل ا ه ي ف و ا ع خ ف ن ل ا  
ن ا ف ا ه ي ف ا ل ص ل ا ن م ي ل ع

اي :اولاق ، «يَلَعُ ضُوعَمُ مُكَّتَالَص  
انُتَالَصُ ضُرُعَاتُ فَيَكُو ، هَلَلَالُوسَر  
زَعَهَلَلَانَا» : لاقف ؟ تَمَرَأُ دَقَو كَيَلَع  
داسُجَأُ ضُرَأَالِ اِيَلَعُ مَّرَحٌ لَجَو  
يئاسُنل او دُوادُ وُباُ هاور . «ءايُبُنَالِ ا

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Афзал кунларингиздан бири жума кунидир. Одам шу куни яратилди. Унинг жони шу куни қабз қилинди. Унда пуфлаш бордир. Унда қаттиқ қичқириқ бордир. Унда менга кўп салавот айтинглар, чунки салавотларингиз менга арз қилинур», - дедилар. Саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг Расули, сиз чириб кетган бўлсангиз, қандай қилиб бизнинг салавотимиз сизга арз қилинади?» - дедилар.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ азза ва жалла анбиёларнинг жасадларини (чиритишни) ерга ҳаром қилгандир», - дедилар».

*Абу Довуд ва Насоий ривоят қилишган.*

Абдуллоҳ ибн Абу Авфо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

يَضْرِبُ فَوْقَ يَبَابِ هَلَلِ دُبَعِ نَع  
هَلَلِ يَلِصُّ يَبْنَ لِنَعُ، هُنَّ عُهُلَلِ  
عَالِصِلِ اُورْتُكَأُ» : لِقِ مِلْسِو هِيَلَعِ  
عُجْبُ أَيِّنِ إِفِ؛ عُهُمُجِلِ مَوِيَّيَلَعِ  
. هَجَامُ نُبَاوِيَّ عِشَلِ اُ هَاوَرِ . «عُمُ سَأُو

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Жума куни менга салавотни кўпайтиринглар. Албатта, менга етказилур ва мен эшитурман», – дедилар».

*Шофеъий ва Ибн Можа ривоят қилишган.*

هِيَلَعِ هَلَلِ يَلِصُّ هَلَلِ اُ لُوسِرَ لِقِو  
عُنَجِلِ أَيِّنِ مُمُكُ بَرَقَا» : مِلْسِو  
اُورْتُكَأُفِ، عَالِصِ يَلَعِ مُمُكُ رْتُكَأُ  
ءَارَعِلِ اُ لِيَلِ أَيِّنِ يَلَعِ عَالِصِلِ اُ

يَعْفَا شَلَا هَاوْر . «رَهْ زَالَا مُوَيْلَاو»

يُقَوِّهْ يَبْلَاو

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизларнинг жаннатда менга энг яқин бўладиганларингиз, менга кўпроқ салавот айтадиганларингиздир. Бас, ёруғ кеча ва нурли кунда менга салавот айтишни кўпайтиринглар», - дедилар».

*Шофеъий ва Байҳақий ривоят қилишган.*

Ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:  
«Ким жума куни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга юз марта салавот айтса, қиёмат куни у юзида бир нур билан келади. Одамлар: «Бу нима қилар эди?» - дейишади».

*Байҳақий ривоят қилган.*

**«Жума ҳақидаги оят ва ҳадис» китобидан**